

## УЛЮК ТАРКИБИДАН ТОЛА АЖРАТИШ ҚУРИЛМАСИННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*A. Мирзаакбаров*

*Наманган тукимачилик саноат институти*

*P.Мурадов*

*Наманган тукимачилик саноат институти*

**Аннотация:** Мақолада чиқиндидан тола ажратиши қурилмасини амалий тадқиқи кўриб ўтилган. Тадқиқотда такомиллашган қурилма ишилашига таъсир қилувчи асосий параметрлари ҳамда ишилаш йўллари кўрсатилган.

**Калим сўзлар:** Пахта, пахта толаси, барабан айланиши тезлиги, тола ажратиши, улюк, тола тозалаши, жинлаши, қурилма, иқувчи параметрлар, толали чиқиндилар.

**Аннотация:** В статье рассмотрено практическое исследование устройства отделения волокон от отходов. В результате исследования показаны основные параметры, влияющие на производительность усовершенствованного устройства и способы его эксплуатации.

**Ключевые слова:** Хлопок, хлопковое волокно, скорость вращения барабана, сепарация волокон, очистка волокна, джиннирование, устройство, параметры считывания, отходы волокна

**Annotation:** The article discusses a practical study of a device for separating fibers from waste. As a result of the study, the main parameters affecting the performance of the improved device and methods of its operation are shown.

**Key words:** Cotton, cotton fiber, drum rotation speed, fiber separation, fiber cleaning, ginning, device, reading parameters, fiber waste

Барча вилоятларда пахта тозалаш корхоналарида пахтага ишлов бериш натижасида технологик жараёндан қўп миқдорда тола, чигит ва линт ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари технологик жараёнлар охирида ишлаб чиқарилётган маҳсулотлар қфторида турли хил толали чиқиндилар ҳам чиқади. Ушбу чиқиндилар тарқибида етарли миқдорда йигиришга яроқли толалар ҳам бўлиб, саноатда ишлатиш мумкин бўлган толаларни чиқиндига чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ҳамда инновацион технологиялар ишлаб чиқилган ҳамда бу йўналишда тадқиқотлар хозир ҳам давом этмоқда. Хозирги кунда ресурстежамкор ва автоматлаштирилган тола ажратиш технологияларини яратишга талаб етарли ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали истеъмолга яроқли маҳсулотларни сифатини яхшилаш ва миқдорини кўпайтириш имконияти

яратилиши тадқиқотларда асослаб берилган. Бу соҳада кўплаб изчил тадқиқотлар олиб борилиб, инновацион ечимлар таклиф қилиниши ушбу соҳани анчагина ривожлантириди, лекин ечимини кутаётган айрим жиҳатлар борки, уларни янада чуқурроқ ўрганиш, хом ашё хусусиятларига боғлиқ ҳолда назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш лозим бўлади. Масалан, кўп тадқиқотларда чиқиндилар бир хил таркибли қилиб олинган ёки уларнинг зичланиш ҳолатлари чуқур ўрганилмаган.

Бундан ташқари чиқиндидан олинган толаларни саноатда ишлатиш имкониятлари ҳам амалий томондан чуқур ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади, яъни ажратилган толарни узунлиги ва чизиқли зичлигига боғлиқ ҳолда уларни ишлатиш соҳаларини (йигириш, тикиб-тўқиши, вата ишлаб чиқариш ва бошқалар) аниқлаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда чиқиндилардан тола ажратиш жараёнини чуқур ўрганиш ва янги технологияларни жорий қилиш хозирги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Пахта толаси тўқимачилик саноатида хом ашё сифатида кенг фойдаланилади.

Тола дунёning тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Толанинг сифатини яхшилаш ҳамда уни максимал даражада чигитдан ажратиб олиш пахта тозалаш корхоналарининг асосий вазифларидан бири ҳисобланиб, ушбу масалани ҳал қилиш учун кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва ҳозирги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Юқоридаги фактларни инобатга оладиган бўлсак, пахта тозалаш корхоналарида толани ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳозирги кунда тўқимачилик соҳасидаги энг долзарб масалалардан бири эканлиги қўринади. Чигитли пахта таркибидан толасини ажратиш (жинлаш) жараёни корхоналарда муҳим жараён ҳисобланади, жинлашдан чиқсан толалар корхоналарда ўртacha 30-34 % ни ташкил қиласди. Ушбу ҳолат жин машиналарини тўғри ишлатиш, ишчи органларини талаб даражасида назорат қилиш орқали ошиши мумкин. Бундан ташқари корхоналарда тола ажратиш жараёнидан чиқсан чигитлар таркибидаги қолдик толаларни ушлаб қолиб қайта жинлаш орқали ҳам тола ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятлари яратилган. Лекин асосий толалар пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнларидан чиқсан чиқиндилар таркибида бўлиши 60% гача тола бўлиши тадқиқотлар орқали аниқланган. Чигитли пахтани жинлаш машинаси колосниклари аро масофа Давлат стандарти талабаларига мос бўлиши керак ва унда улюкни чиқаришда козерёги орқали улюкни чиқиши миқдорларини ростлаб туриш мумкин. Улюкнинг чиқиши яна бир асосий сабаблар – пахтанинг навига ҳам боғлиқ бўлади. Пахтани дастлабки ишлаш жараёнида 1 ва 2 – навли чигитли пахтага ишлов берилганда 0,220 – 0,350 %,

3 ва 4 – навларга ишлов берилганда 0,450 - 0,650%, ишлаб чиқариш шароитига боғлиқ ҳолда маълум бир холларда 1,6% гача улюк ажралиб чиқади. Жин машинаси колосниклари аро масофалар белгилангандан катта олинганда чиқинди таркибиға йирик чигитлар ҳам қўшилиб кетади. Пахта хом ашёси нави, толадорлиги, ифлослиги, намлиги ҳамда рангига кўра улюклар 2 типга бўлинади.

Мақолада пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнида йигиришда ишлатиш мумкин бўлган толаларни чиқинидан ажратиш имкониятлари ўрганилиб, толани ажратиш учун мақбул ишчи органларни 12 тавсия қилиш мақсад қилиб олинган. Ҳозиргача олиб борилган илмийтадқиқот ишлари ўрганилганда, улюк таркибидан саноатбоп толани ажратиш самарадорлигини таъминловчи ишчи органлар бу аррали ва аррачали лентали ишчи органлар эканлиги аниқланди. Барча тадқиқотларда таклиф қилинган қурилмалардан яхши самара билан ишлаганилари барабанли ишчи органларга эга қурилмалар ҳисобланади. Қурилманинг барабани учун аррали ва аррачали лента ўралган барабанлар танлаб олиниб, чиқинди таркиbidagi tolalarни ajratish xususiyatlari ўрганиб чиқилди. Тадқиқотда асосий ишчи орган умумий ҳолда аррали барабан деб олиниб, унинг турли оғирликларида толаларни ажратиб олиш ҳолатлари назарий томондан ўрганилди.

Natijda paxta chiqindilari tarkibidagi tolalarni ajratib olish imkonini beradigan qurilma taklif qilindi. Qurilma chiqindi tarkibidan yigiruvga yaroqli tolalarni arrali tsilindr (arrali disklarning tishlarining qiyalik burchagi  $\gamma=60\%$  va tishlar qadami  $t=3,59$  mm, balandligi  $h=3,46$  mm bo'lganda) va kolosniklar (bunda birinchi kolosnikning qiyalik burchagi- $\alpha_1=30\%$ , ikkinchisiniki- $\alpha_2=35\%$ , uchinchisiniki- $\alpha_3=40\%$ , to'rtinchisiniki-  $\alpha_4=45\%$ , beshinvhisiniki-  $\alpha_5=50$ ) bo'lganda ajratib olinadi.

Yangi, paxta chiqindilari tarkibidagi tolalarni ajratib olish usuli paxta tozalash korxonalari ishlab chiqarish texnologik jaraynidan ajralib chiqayotgan chiqindilar tarkibidagi yigiruvga yaroqli tolalarni ajratib oladi.

Yangi taklif etilayotgan qurilmada paxta chiqindilari tarkibidan yigiruvga yaroqli tolalarni arrali tsilindr yordamida ajratib olinadi.

Taklif qilinayotgan qurilmasini quyidagi asosiy elementlar tashkil etadi: kirish quvuri, yo'naltirgich, arrali baraban, kolosniklar, shnek, cho'tkali baraban, chiqish quvuri. Bunda arrali baraban tishlariga ilashgan tolali chiqindilar kolosniklarga urilib tozalanadi.

Kolosnik qirralarining qiyalik burchagini arrali baraban markaziga nisbatdan o'zgarishi inobatga olingan.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алиев Б.Т. Пахта чиқиндилари таркибидаги йигиругвга яроқли толаларни ажратиб олувчи қурилмани такомиллаштириш. PhD диссертацияси, Наманган, 2020, 120 б.
2. Обидов А.А., Маматқулов О.Т., Султонов М.М. Пахта тозалаш корхонасида тола ишлаб чиқариш кўрсакичини ошириш тадқики. Монография, Наманган, 2020, 125 б.
3. Султонов М.М. Пахта чиқиндиларига ишлов бериш қурилмасини яратиш ва параметрларини асослаш. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация, Наманган, 2020 й. 130 б.
4. Обидов А.А., Хамидов С.Д. Пахта чиқиндиларидан тола ажратиб олиш технологиясини назарий тадқиқ қилиш. ТТЕСИ республика илмий амалий конференцияси, Тошкент, 222-224 б.

